



## ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИ САБАБЛАРИ, ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА БАРТАРАФ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Мамитов Аслиддин Элдор ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти мутахассислиги  
3-босқич курсанти*

**Аннотация:** *Хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш фаолияти тушунчаси, ушбу фаолиятни тартибга солувчи нормалар ва бу борада амалга оширилаётган ишларни такомиллаштиришга оид янги ва илгор таклифларни ишлаб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, бу борада илгор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.*

**Калит сўзлар:** *Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Оммавий ахборот воситалари, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят процессуал кодекс.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган ИИВ ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида республиканинг барча ҳудудларида тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, бу борада Ички ишлар органларининг қобилиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, жиноятчиликка қарши кураш, “Жиноятларни жиловлаш”, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш юзасидан Президентимизнинг фармони ва қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг идоралараро норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар қабул қилинди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.<sup>1</sup>

Бу борада 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан сўзлаган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ 60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тарақийёт стратегияси” <http://www.lex.uz>



байрам табригида “Хавфсиз маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд” тамойиллари асосида Ички ишлар органларининг Миллий гвардия ва маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликдаги ишлари қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижасини бераётгани биз учун катта аҳамиятга эга. Ҳудуддаги криминоген вазиятларни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларни динамикаси ва содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш ва “илмий диагноз” қўйиш орқали жиноятларни прогнозлаш ва унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда”<sup>2</sup>, - деб таъкидлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикасига илмий таҳлил асосида ёндашиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Турли соҳалардаги каби ички ишлар органларининг профилактика хизматлари тизимини ислоҳ қилиш ҳам ўз навбатида профилактика инспекторларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жавобгарликни таъминлаш соҳасини янада такомиллаштиришни, мунтазам ўрганишни тақозо этади.

Ушбу ўзгаришларни амалга оширишда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари алоҳида ўринга эга. Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш уларни сабаб ва шароитларини аниқлаш бўйича катта ҳажмдаги ва кўп қиррали фаолиятни амалга оширувчи ҳисобланади.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш фаолияти бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидагиларни ўз ичига олади:

-профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлашга оид таълимотлардан иборат назарий асосларини;

-профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлашни белгиловчи ҳамда тартибга солувчи норматив- ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат ҳуқуқий асосларини;

-ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлашга жалб этилган куч ва воситалар, уларни қўллаш шакл ва усулларидан иборат ташкилий- тактик асосларини.

Ўзбекистонда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизими шакллнганлиги ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда уни янада такомиллаштириш зарурияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармонида аниқ белгилаб берилган. Хусусан, мазкур Фармонда ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан чуқур мазмун ва моҳиятга эга бўлган мамлакатда, унинг барча маъмурий ҳудудларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда риоя этилиши зарур бўлган қоида ҳамда хулосалар қайд этилди.

2022 — 2026 йилларда **“Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”**да амалга ошириш мўлжалланган **“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт**

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 25 октябрь - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига байрам табриги/Postda- на посту. 2021 йил 25 октябрь, №43(4529), 1-2 б



**стратегияси сари**” тамойилига асосан қуйидаги етти устувор йўналишдан иборат бўлган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди:

*I. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;*

*II. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;*

*III. Миллий иқтисодий жабҳада ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;*

*IV. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;*

*V. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;*

*VI. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;*

*VII. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.*

Ушбу дастурнинг **II бобида қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш олдинга сурилган.** Бунда маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган.

Фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, фуқароларни яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш тизимини янада соддалаштириш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, ушбу йўналишда бошланган ислохотларни якунига етказиш, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш, қийноқларнинг олдини олиш бўйича механизмларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда махсус қонун қабул қилиш каби масалалар ўз аксини топган.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишда маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш. Судлар тизимида **“ягона дарча”** тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъий назар, қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизимини жорий этиш.

Суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга



эришиш даражасини тубдан ошириш. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш. Судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш. Суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб бориш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш. Жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фуқарони ички ишлар бўлимига текшириш учун олиб бориш амалиётидан воз кечиш. Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтиришда ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш. Қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун — устувор, жазо — муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш.

Фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантиришда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим ташкилотлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш. Тадбиркорлар ва аҳоли, айниқса кам таъминланган қатламлари учун ҳуқуқий ҳужжатларни юрист иштирокисиз тайёрлаш имконини берувчи “Legal Tech” платформасини ишга тушириш.<sup>3</sup>

Энг муҳими, юридик адабиётларда жиноятчилик ва унга қарши кураш ишларини ташкил этишнинг илмий-назарий асосларини яратиш Шарқ ҳамда Ғарб зиёлиларини

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони // URL: <http://www.lex.uz>



бирдек қизиқтирганлигини яққол кўриш мумкин. Шунга кўра, кишилик жамиятидаги ижтимоий муносабатлар заминида юзага келувчи жиноятчилик нима, нима учун жиноят содир этилади, жиноятчи ким, унинг шахсий хусусиятлари қайси жихатлари орқали намоеън бўлади деган саволларга жавоб топишга бўлган интилишни инсониятнинг илк уйғониш даври файласуфлари, тарихчилари ва ҳуқуқшунослари тадқиқотларида ҳам кўриш мумкин. Зотан, давр тақозоси билан жиноятчилик муаммолари ижтимоий-табiiй фанларнинг турли соҳа олимлари эътиборини жалб этиб келган.<sup>4</sup>

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:

✓ профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт шароитларини аниқлаш фаолиятининг асосий йўналишлари ва уларнинг бугунги ҳолатини ўрганиш;

✓ профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт шароитларини аниқлаш фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва илмий таҳлил қилиш;

✓ профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш фаолиятини ҳуқуқий таъминлашнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, бу соҳадаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш бўйича аниқ хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт шароитларини аниқлаш ва бу соҳада улар билан ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари бўйича олимлар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида ёритиб ўтганлар. Мисол учун: Қ.Р.Абдурасулова, И.Исмаилов, Қ.Мирзажонов, М.З.Зиёдуллаев, А.А.Отажонов, Н.Т.Исмоилов, И.Ю.Фазилов, Ж.С.Мухторов, С.Б.Хўжақулов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

**Профилактика инспекторининг “ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш фаолияти”нинг назарий ва ҳуқуқий асослари.**

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш фаолияти бир қатор қонун ва қонуности норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Булар орасида Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь куни қабул қилинган

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни алоҳида аҳамият касб этади<sup>5</sup>.

---

<sup>4</sup> Сайткулов К.А. Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш: ўқув амалий кўлланма / юридик фанлар доктори, проф. И. Исмаиловнинг таҳририда. – т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 123 б.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь куни қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.



Қонуннинг 4-моддасида “хуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, хуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш” ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади.

Қонуннинг 16-моддасига кўра “хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриши” Ички ишлар органларининг мажбуриятларидан бири ҳам ҳисобланади.

Профилактика инспекторлари инспекторининг хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш фаолиятида авваламбор, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунга бирламчи ҳуқуқий манба тариқасида амал қилади ҳамда ички ишлар органлари фаолиятининг бир йўналиши ва мажбуриятларидан бири сифатида зиммасига юклатилган вазифаларни бажаради.

Бу борада, 2014 йил 14 май куни қабул қилинган “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонуннинг 4-моддасига кўра, “хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чоратadbирларини кўриш” хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаларидан бирини, “хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш”, 22-моддасига кўра, хуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг асосий элементи ва чоратadbирларидан бирини ташкил этади.

Профилактика инспекторлари томонидан илгари судланган шахсларга нисбатан профилактик ҳисобга олиш ишлари уларнинг тузалиши ва такроран хуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Илгари судланган шахсларни профилактик ҳисобга олиш учун суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Профилактика инспектори илгари судланган шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимининг, бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Мазкур қарор илгари судланган шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун асослар мавжудлигидан далолат берувчи ҳужжатлар профилактика инспектори томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида чиқарилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нисбатан шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор улар яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичида чиқарилади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарорда қарорни чиқарган профилактика инспекторининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, у чиқарилган сана ва жой, у қайси шахсга нисбатан чиқарилган бўлса, ўша шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш, иш, ўқиш жойи) ва профилактик ҳисобга қўйиш асослари кўрсатилади. Илгари



судланган шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор мазкур қарорни чиқарган профилактика инспектори томонидан имзоланади.

Судланган шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор профилактик ҳисобга қўйилган шахсга имзо қўйдириб эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради. Қарор ушбу шахсга тасдиқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида, у яшаш жойида бўлмаган ҳолларда эса, унинг турган жойи аниқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида эълон қилиниши керак. Қарор эълон қилинганда шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, бу ҳақда қарорда қайд қилинади.

Гарчи юқорида келтирилган қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг аниқланиши ва бартараф этилишига доир ҳуқуқий тартиб белгиланган бўлсада, ушбу йўналишдаги ишларни етарлича деб баҳолаб бўлмайди.

Бу масалага, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” этиб белгиланган ҳафтанинг ҳар пайшанба кунида амалга ошириладиган чора-тадбирлар доирасини белгилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, “аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида уйма-уй юришларни ташкил этиш”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” этиб белгиланган ҳафтанинг ҳар пайшанба кунида амалга ошириладиган чора-тадбирлардан бири этиб белгиланган.

Қолаверса, сўз юритилаётган ушбу қарорнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги Низом” билан Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг зиммасига “ваколатли органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” вазифаси юклатилди.

Ушбу қарорнинг 3-илоvasи билан тасдиқланган “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги Низом”да эса “вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш” вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар томонидан амалга оширилиши белгиланган.



Бундан ташқари ушбу қарорнинг 2-илоvasи билан “Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида Низом” тасдиқланган бўлиб ўрганиш ва бартараф этиш<sup>6</sup> ички ишлар органлари таянч пунктларининг энг устувор ва асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Ҳуқуқ-тартибот масканларига юклатилган вазифаларни бажариш учун профилактика инспекторлари қуйидаги **ваколатларни** амалга ошириши белгиланган:

– ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга оширадилар;

– давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритадилар;

– вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари ҳолатлари ҳамда уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли ташкилотларни ўрнатилган тартибда хабардор қиладилар.

“Биз Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва маъсулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиш бериш чораларини кўришимиз даркор<sup>7</sup>.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш чора-тадбирлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мавжуд турлари, усул ва шакллари доирасида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бироқ, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун қабул қилинишига қадар юридик адабиётлар ва манбаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари ҳақида турлича қараш ва фикрлар илгари сурилиб, аниқ бир тўхтам мавжуд эмас эди. Қонуннинг қабул қилиниши бевосита ушбу қарама-қаршиликларга барҳам берди ва б-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги тўрт тури:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси аниқ белгилаб қўйилди.

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2896-сонли қарори 2-илова.

<sup>7</sup> Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси





Шунингдек, Қонуннинг 3-б-бобларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг тушунчаси ҳамда уларнинг ўз ичига қамраб олган чора-тадбирлари ва уларни амалга ошириш асослари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари ишлаб чиқилди<sup>8</sup>.

Ушбу мақсадларга эришишнинг энг муҳим шарти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш ва белгиланган вазифаларни сифатли бажарилишини таъминлашдир. Айти пайтда, бир қатор давлат дастурлари қабул қилиниб, ижрога йўналтирилган. Ушбу дастурларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир чора-тадбирлар белгиланишига қарамадан, уларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастури деб эътироф этиб бўлмайди. Чунки дастурни қабул қилишдан кўзланган мақсад ва вазифалар айнан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилган бўлишни тақозо этади. Аммо мантиқан олганда ҳар қандай давлат дастуридан ўрин олган профилактик чора-тадбирлар ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси мазмунига эгаллигини истисно этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори билан фаолияти тартибга солинган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, вояга етмаганлар ишлари, одам савдосига қарши курашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиялар томонидан ишлаб чиқиладиган, тасдиқланадиган ва ижрога йўналтириладиган комплекс дастурларни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин<sup>14</sup>.

Аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот. Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик даврида ҳуқуқий тарғибот масаласига ҳуқуқат даражасида жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот умумий тарғиботнинг бир йўналиши бўлиб, унда асосан аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ масалаларнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига етказиш, шу асосда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсад қилиб қўйилади.

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш тизимида Ички ишлар органлари фаолиятини янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сонли Фармони.



Сўнги пайтларда ҳуқуқий адабиётларда “ҳуқуқий тарғибот” билан бирга, “қонунчилик тарғиботи” тушунчаси ҳам қўлланилмоқда. Шу ўринда, ушбу икки тушунча ўртасидаги ўзаро фарқли томонларга қисқача тўхталиш мақсадга мувофиқ.

“Ҳуқуқий тарғибот” тушунчаси “қонунчилик тарғиботи”га нисбатан кенгрок тушунча бўлиб, кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги масалаларни тарғиб қилишни назарда тутди. Масалан, “ҳуқуқий тарғибот”да муайян турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар, уларни содир этишнинг усул, шакл ва воситалари, виктимлик ҳолатлари, улардан ҳимояланиш чора-тадбирлари билан боғлиқ масалаларга урғу берилса, “қонунчилик тарғиботи” фақат қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг мазмуни ва моҳиятини ёритишга қаратилади. Эътиборли томони шундаки, ҳуқуқий тарғибот қонунчилик тарғиботини ўз ичига қамраб олса-да, бироқ ҳар қандай ҳуқуқий тарғибот қонунчилик тарғиботи ҳисобланмайди<sup>9</sup>

Ҳуқуқий тарғибот асосан қуйидаги **уч йўналишда** амалга оширилади:

*Биринчи йўналишда* амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғибот ишларига ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг белгиланган шартлари, тартиби, қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бағишлаб аҳоли ўртасида маъруза, радио эшиттиришлар қилиш, викторина, давра суҳбати, семинар-тренинг, учрашувлар ўтказиш кабиларни киритиш мумкин.

*Иккинчи йўналишда* ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг белгиланган шартлари, тартиби, қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бағишлаб мақолалар, китоб ва қўлланмалар (шу жумладан, электрон шаклда) ёзилади ва чоп этилади, шунингдек аҳолининг муайян қатламига мўлжалланган буклетлар тайёрланиб, тарқатиш каби ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилади.

*Учинчи йўналиш*, асосан, ҳуқуқий тарғибот аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видео роликлар намойиш қилиш, кинофильмларнинг муайян эпизодларини акс эттириш, телевидениеда “Бир жиноят изидан”, “Жиноят ва жазо” каби кўрсатувларни эфирга узатиш, плакатлар, кўргазмали эълонлар тайёрлаб, аҳоли кўп тўпланадиган ва гавжум бўлган жойларда, ички ишлар органларининг маъмурий биноларида осиш кабилар орқали олиб борилади.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда бир қатор талаблар мавжуд. Профилактика инспекторлари ҳуқуқий тарғибот ишларида ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларини жалб этишлари ҳам мумкин<sup>16</sup>.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мртдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2833-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>. ( 05. 04.2021 й да мурожат қилинган )



этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш. Афсуски, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чорасини назарда тутувчи қонун нормаси фақатгина амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (*б-бўлим*) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда (*196, 313-моддалар*) ўз ифодасини топган.

Бирок, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун талаблари ҳуқуқбузарликка қарши курашувчи, унинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаб, бартараф этилишини таъминловчи ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳам ўз фаолияти жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликка оид статистик ҳамда бошқа маълумотлар таҳлилига асосланиб, муайян вазирлик ёки қўмита ва унинг қуйи тузилмалари даражасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишлари мумкинлигини тақозо этади.

Профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирлар қуйидаги ҳолатларда ишлаб чиқилади:

Муайян ҳудуд ёки даврда айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар кўпайган ҳолларда;

Муайян ҳудуд ёки даврда айрим тоифадаги шахслар кўпайиши билан аҳоли соғлиги, тинчлиги ҳамда уларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигига салбий таъсири юзага келган ҳолларда;

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг реал хавфи юзага келганда.

Қонун ва қонуности ҳужжатлари билан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик чора-тадбирлари белгиланган бўлишига қарамасдан, профилактиканинг ушбу турининг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ҳамда амалга ошириш механизми тўлиқ белгиланмаган. Бу эса, келгусида ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, мавжуд қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда амалиётни методик таъминлаш заруратини келтириб чиқаради.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, айрим ҳолларда бир гуруҳ шахслар ҳам ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси объекти бўлиши мумкин. Аммо ушбу бир гуруҳ шахслар муайян бир бутун объектни ташкил этиши лозим. Бунга жанжалкаш оилаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари аниқ белгиланган бўлиб, улар қуйидагилар:

- профилактик суҳбат;
- расмий огоҳлантириш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;



- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- профилактик ҳисобга олиш;
- мажбурий даволанишга юбориш;
- маъмурий назорат.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа профилактик чоратадбирлар орқали ҳам амалга оширилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш фақатгина содир этилган жиноятларни очиш, ҳуқуқбузарларни топиш, қонуний жазо тайинлаш ва уни ижро этишдан иборат бўлиб қолиши мумкин эмас. Ҳатто содир этилиши режалаштирилаётган ҳуқуқбузарликнинг олди олинганда ҳам бу вазифани бажаришга жуда кеч киришилган деб ҳисоблаш керак бўлади. Шу боисдан, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг самарали усул ва шакллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо шуни унутмаслик керакки шакл ва усулларни қўллашда ҳудудлардаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш муҳим вазифа эканлигини англашимиз лозим. Криминоген вазиятга таъсир этувчи омиллар ичида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Мавзуси доирасида олиб борилган тадқиқот натижасида қуйдаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга берилган таъриф ва тушунчаларни ўрганиш натижасида қуйидаги берилган таърифларни мақбул деб ҳисоблаймиз:

*Ҳуқуқбузарликнинг сабаблари* – ҳуқуқбузарликнинг содир этилишини тақозо қиладиган, уларни озиклантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг йиғиндисидир.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли // URL:<http://www.lex.uz>.

2. Шавкат Мирзиёев “Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифалар”га бағишланган йиғилишдаги маърузаси.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни.



4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли фармони.